

ЎЗБЕКИСТОН АРМИЯСИ

тинчлик кафолати, миллий ғурур рамзи



Бошланиши 1-бетда

Қайд этиш керакки, мустақилликнинг илк йилларида-ноқ замонавий талабларга жавоб бера оладиган, профессионал, ҳаракатчан ва юқори самарали армия яратишга киришилган бўлса, кейинги йилларда миллий армиямизни дунёнинг энг сара мудофалари даражасига олиб чиқиш борасида катта қадамлар ташланди. Асосийси, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни модернизация қилиш борасида олиб борилган ишлар, тинимсиз изланишлар туфайли юртимизда замон талаблари даражасидаги кучли армия ташкил этилишига эришилди. Аини пайтда бу армия Ватан chegaralarини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмасдан, келажак авлод учун матонат ва фидоийлик намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна санокчи кунлардан кейин 34 йиллиги нишонланадиган армиямиз мураккаб, аммо шарафли йўлни босиб ўтди. Президентимиз таъбири билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг шаклланиш жараёни дунёда ва минтақамизда мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият ҳукм сурган даврга тўғри келди. Ислохотларимиз натижасида мамлакатимиз хавфсизлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга қўдир бўлган, ҳар томонлама замонавий қуролланган, қудратли армиямиз шаклланди.

Қуролли Кучларимизнинг бутунги салоҳияти ушбу сўларнинг нақадар тўғри, ҳақиқатга мос эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари нафақат миллий хавфсизликни таъминлаш, балки халқаро ареналарда ҳам ўз куч ва юқори салоҳиятини муваффақиятли тарзда намоён этмоқда. Бунга мисол, 2022 йилда ўтказилган нуфузли Халқаро армия ўйинлари (АРМИ)да Ўзбекистон жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Ушанда ҳарбийларимиз 7 та олтин, 10 та кумуш ва 5 та бронза медалчини қўлга киритганди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларимиз “Хавфсиз муҳит”, “Қуролсоз уста”, “Дала ошхонаси”, “Йўл патрули”, “Снайпер йўналиши”, “Содик дўст” каби халқаро мусобақаларда энг юқори ўринни эгаллаган бўлса, “Элбрус ҳалқаси”, “Инженер формуласи”, “Десант взводи” каби мусобақаларда ҳам совринли ўринларни қўлга киритди. Мазкур мусобақаларда улар томонидан 22 та шахсий ва жамоавий рекордлар ўрнатилган.

Шу билан бирга, 2024 йилда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси Буюк Британияда бўлиб ўтган “Кембрия патрули” мусобақасида муваффақиятли иштирок этди.


Бундан ташқари, 2024 йилда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси Жанубий Кореяда ўтказилган илмий-ҳарбий тайёргарлик бўйича халқаро мусобақаларнинг мутлақ ғолибига айланди. Ҳарбийларимиз ушбу мусобақада тактик режалаштириш ва вазифаларни бажаришда юқори даражадаги профессионалликни намойиш этиб, бошқа иштирокчиларнинг ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари қардош, халқаро шериклар билан ҳам ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. 2024 йилда Қозоғистон ҳудудида ўтказилган “Бирлестик — 2024” ўқув машғулотлари доирасида ўзбек ҳарбийлари Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳарбийлари билан биргаликда жанговар-тактик ҳаракатларни бажарди. Ушбу машғулотларда қуруқлик, ҳаво ва денгиз бўлиналари ўртасидаги ҳамкорлиқни тақомиллаштиришга қаратилган тактик вазифалар амалга оширилди.

Ҳиндистон билан ҳамкорликда ўтказилган “Дўстлик — 2024” ўқув машғулотлари алоҳида аҳамият касб этади. 2024 йилда “Термиз” полигонига ушбу ўқув машғулотларининг бешинчи босқичи бўлиб ўтди. Машғулотларда қуруқлик ва ҳарбий ҳаво кучлари мутахассислари иштирок этди. Асосий эътибор терроризмга қарши кураш ва бошқа операцияларда бўлиналар ўртасидаги мувофиқлик ва жиҳазлини оширишга қаратилди.

2024 йилда Қозоғистон Қуролли Кучлари билан ҳамкорликда ташкил этилган “Ханжақ — 2024” тактик мажсус ўқув машғулотлари армиямиз жанговар фаолиятида яна бир муҳим воқеа бўлди. Ун қўнлик манёврлар доамидда “Форш” тоғ полигонига биноларни тозалаш, минометчилар, пулемётчилар ва снайперларнинг ҳаракатлари, шунингдек, жанговар бронетехникани қўллаш бўйича амалий ҳаракатлар бажарилди. Ўқув машғулотлари натижалари Ўзбек ҳарбийларининг ҳар қандай мураккаб вазифаларни бажаришга тайёригини яна бир бор исботлади.

2018 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги Мудофаа доктринаси мамлакат ҳарбий сиёсати



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

Нуқтаи назар

Маҳаллий кенгашлар тузилмасидаги муҳим ўзгаришлардан яна бири — Президентимиз ташаббуси билан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳузурида экспертлик ҳамда ёшлар маслаҳат гуруҳларининг ташкил этилиши бўлди.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШНИНГ СЎЗИ — ТАЪСИРЧАН, ҚАРОРЛАРИ — НАТИЖАДОР

Президентимиз парламент ва халқимизга йўлаган Мурожаатномасида янги Ўзбекистон тараққиётининг яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари ва стратегик масалаларни белгилаб берар экан, уларнинг самарали ижросини таъминлашда халқ вакиллари — депутатлар ва сенаторларга катта ишонч билдирди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки кейинги йиллардаги демократик ислохотлар жараёнида Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий кенгашлар ваколатлари янада кенгайтирилмоқда.



Саидаҳмад УСМОҲОВ, халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши котибияти мудири

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямизда маҳаллий давлат ҳокимияти тизими тақомиллаштирилиб, бир-биридан мустақил маҳаллий вакилик ва ижро органлари шакллантирилиши мустаҳкамланди. Президентимизнинг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан бу борадаги вазифалар белгиланди, ижро ҳокимиятининг жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этиш билан боғлиқ бир қатор функциялари маҳаллий кенгашларга ўтказилди. Маҳаллий кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан халқ депутатлари кенгашларининг назорат функцияларини кенгайтириш мақсадида ўндан ортиқ қўшимча ваколатлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада конституциявий ислохотлар доирасида вилоят ҳокимлари ва маҳаллий кенгашлар наслари лавозимларининг бир-биридан ажратилиши қўлланган самарани берганини таъкидлаб, энди бу тизим 2026 йил 1 январдан 208 та туман ва шаҳарда ҳам йўлга қўйилишини қайд этди. Ушбу жиддий сиёсий ислохот — ҳокимлар ва ижро идораларидан кенгашларга муносабатини мутлақо ўзгартиришни талаб қилади.

Президентимиз 2024 йил ноябрда Олий Мажлис Сенатининг биринчи ялпи мажлисида иштирок этиб, дунё миқёсидаги вазият мисли қўрилмаган даражада кескин ва мураккаб бўлиб бораётган ҳозирги шароитда юртимиз тинчлиги ва раванакни таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам устувор вазифага айланаётганини таъкидлаб, “Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз”, деганди.

Чиндан ҳам, бутун дунёдаги геосиёсий вазият мураккаблашиб, турли минтақаларда қонли тўқнашувлар, урушлар, экологик ва техноген фожиялар, иқлим ўзгаришлари муаммолари тобора кучаймоқда. Бундай вазиятда ҳар бир давлат, халқ олдида, аввало хавфсизлик, тинчлик-барқарорлиқни таъминлаш вазифаси туради.

Бу борада Президентимиз барчамизга ибрат бўлиб, янги Ўзбекистонни тараққий эттириш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, фаровонлигини таъминлашда давлат хизматчиси, халқ вакили қандай ишлаши кераклигини амалда кўрсатмоқда. Шахсан ўзим давлатимиз раҳбарининг АҚШ, Европа Иттифоқи етакчилари ва яна бир қатор ривожланган мамлакатлар президентлари билан бу борада ҳамфикр бўлиб, тенгма-тенг гаплашиб, наники Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда асосий шахслардан бири эканидан фахрланаман, қалбимда ғурур туяман. Ўз навбатида, биз — халқ вакиллари, депутатлар ҳам бу йўлда Президентимизга йўлдош бўлишимиз, ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишимиз кераклигини ҳис қиламан.

Партия етакчилари депутат бўлди

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашига сайланган 60 депутатнинг 23 нафари (38 фоизи) хотин-қизлар. Бу мамлакатимиздаги гендер сифатларининг натижаси, давлат ва жамият ҳаётида хотин-қизларнинг роли ошиб бораётгани самараси десак, ҳақ бўлмайди. Депутатларнинг 17 нафари иқтисодчи, 22 нафари педагог, 8 нафари муҳандис эканлиги, шунингдек, улар орасида тadbиркорлар, ҳуқуқшунослар ва жамият ҳаётининг бошқа муҳим соҳалари вакиллари борлиги кенгашнинг ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрнини оширмоқда.

Олий Мажлис Сенати Қанғаннинг 2024 йилдаги тегишли қарори билан тасдиқланган намунавий низомига мувофиқ, вилоят кенгашида 7 та доимий комиссия фаолият олиб бормоқда. Доимий комиссиялар таркиби депутатларнинг мутахассислиги ва соҳадаги тажрибасини инобатга олган ҳолда шакллантирилган.

Маҳаллий кенгашлар фаолиятига ҳар томонлама қўмаклашиш Сенатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Парламент юқори палатасининг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари билан ҳамкорлиги бу Президентимиз томонидан илгари сурилган демократик ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири. 2025 йилда Сенатнинг маҳаллий кенгашлар фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги роли сезиларли даражада кенгайди ва бир қатор амалиётлар жорий қилинди.

Жумладан, Сенат томонидан маҳаллий кенгашлар ва сенаторлар ўртасида “Маҳалла еттиклиги — Кенгаш — Сенат” уч бугинли ҳамкорлик тизими йўлга қўйилди. Ушбу тизим орқали энг муҳим масалаларни Сенат томонидан қўриб чиқиш учун парламентга киритиш

Алишер ИКРОМОВ, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент



Обод манзиллар

ШАҲАРЧАСИ

Яккабоғ кўркига кўрк қўшмоқда

Бошланиши 1-бетда

— Бутун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди обод ва гўзал масканга айланиб бормоқда, — дейди Яккабоғ туман ҳокимиятининг қурилиш, коммуналхизмат, коммунал хўжалик, экология ва кўпаламдорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари Элбек Бекнаев. — Айниқса, кейинги беш-олти йилда туманимизда ҳаёлимизга келмаган ўзгаришлар амалга оширилди. Бу фаровонликларнинг барчаси инсон қадрини унутмасдан юртимизнинг ишларининг бир қўрғини. “Янги Ўзбекистон” масивиде 2025 йилнинг ўзига мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари бажарилди. Йирик лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, сўнгги йилларда 18 гектар ерда 54 та 5 қаватли, жами 1340 хонадонли кўп қаватли уй-жой қурилиб, 3750 квадрат метрдан иборат тadbиркорлик субъектлари учун бинолар мажмуаси шакллантирилди. Ушбу мажмуада тadbиркорларнинг 43 миллиард сўм маблағи ҳисобига 45 дан ортиқ тadbиркорлик субъекти ташкил этилиб, 120 та янги иш ўрни яратилди.

Қолаверса, масивда ичимлик сув учун 3,1 километр тармоқ ва 2 та ишчиноқ ҳамда оқова сувга 8,4 километр тармоқ ва битта ишчиноқ, 6 километр ички йўл қурилди. Бундан ташқари 3,8 километрга иссиқлик тармоғи, 1,5 километрга газ қувури тортилди ва 1 та қозонхона қурилди. Улар учун 6 та тақсимлаш пункти ўрнатилди. 7,4 километр электр тармоғи тортилиб, учта трансформатор қўйилди, 2,5 километр пиедестал йўлакчаси қурилиб, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Болалар учун 8 та ўйингоҳ қурилди. 50 кВт қўйиш панеллари ва 140 минг литр ситимга эга 700 донга гелиоколлектор ўрнатилди.

Келтирилган режага кўра масивда ишлар ҳали тўхтаб қолгани йўқ. Хусусан, аҳоли ва тadbиркорларга қулай муҳит яратиш мақсадида кўп қаватли уйларнинг 1-қавати-га тижорат банклари бўлимлари жойлаштирилди. Бундан ташқари, 15 та кўп қаватли уй ертўласида тadbиркорлар учун 7500 квадрат метр жой берилди. Унда босқичма-босқич ҳар хил турдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилади. Жами 150 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Яна бир гап. Мазкур масивда бошқа туман ва шаҳарлардагидан фарқи равишда янгиликка қўл урилган. Етакчи тadbиркор ташаббуси билан йирик лойиҳа асосида

экобозор ташкил этилган. Қиймати 6 миллион доллардан ортиқ бўлган ушбу мажмуа уч қаватдан иборат. Унда 80 та иш ўрни яратилган. Муҳими, экобозор аҳоли эҳтиёжини қўлга қоллашга хизмат қилади. Хусусан, унинг биринчи қаватида деҳқончилик маҳсулотларини сотиш учун юздан зиёд раста жой олган. Иккинчи қаватида эса 106 та кийим-кечак дўкони ишга туширилган. Учинчи қаватида болалар ўйингоҳи ҳамда ресторан фаолияти йўлга қўйилган.

— Экобозоримиз нафақат “Янги Ўзбекистон” масивиде яшовчилар, балки туманимиз аҳолиси учун ҳам қулай савдо мажмуасига айланди, — дейди “Келажак ренессанс” МЧЖ раҳбари Мақсуд Камолов. — Ҳозир харидорлар ҳар бир кичик нарсасга ҳам эътиборли, бозор маданиятига жиддий қарайди. Шу боис, иложи борича шароит яратишга ҳаракат қилганмиз. Талаб ва таклифлар ўрганилиб, ҳар бир жиҳатни инобатга олдик. Хизмат кўрсатиш тўлиқ замон талабларига мос тартибда. Ҳозир 250 дан зиёд иш ўрни яратилди. 2026 йил давомида яна қўшимча лойиҳаларни ишга туширишни режа қилганмиз. Шу орқали яна 50 га яқин киши ишли бўлади. Қолаверса, истеъмолчилар учун янада қулайликлар яратилади.

Давлатимиз раҳбари 2025 йилнинг июнь ойидаги Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида мазкур экобозор фаолияти билан танишганда мутасаддиқлар бундай қулай савдо мажмуаларини бошқа туман марказларида ва масивларда ҳам қўйатириш кераклиги борасида кўрсатма берган эди. Демак, келгусида экобозор нафақат Яккабоғ туманида, балки бошқа ҳудудларда ҳам барпо этилиб, аҳолига хизмат қилишни бошлайди.

Ақбар РАҲМОҲОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИНИ БУГУН, БИРГАЛИКДА ЯРАТАМИЗ



Тараққиёт одимлари

Бошланиши 1-бетда

Зеро, 2025 йилда тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулотимиз 145 миллиард доллардан ошгани бунинг яққол тасдиғидир. Шу билан бирга, келгуси беш йил давомида амалга ошириладиган ислохотлар натижасида бу кўрсаткични 240 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган, буни бугунги ҳаётимиздан деярли икки карра яхшироқ яшашимиз мумкинлигини аңлатувчи асос десак, муболаға бўлмайди.

Чунки ялпи ички маҳсулот мамлакат фаровонлигини белгилаб берувчи энг асосий иқтисодий кўрсаткичлардан биридир. Унинг доимий ўсиб бориши ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва инвестиция фаолияти кенгайиши орқали аҳоли даромадларининг ошиши, янги иш ўринларининг яратилиши, ижтимоий соҳалар, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади ва аҳоли турмуш даражаси ҳамда барқарор тараққиётнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Шу билан бирга, халқаро миқёсда мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, рақобатбардорлиги ва инвестициявий жозибадорлигини намоён этиб, барқарор ўсиш орқали халқаро молия институтлари, инвесторлар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ва нуфузини оширади ҳамда мамлакатнинг минтақавий ва глобал жараёнларда ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилади.

2025 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 миллиард долларга етиб, жами инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,9 фоизни ташкил этган ҳолда иқтисодиётимиз келгуси йилларда ҳам юқори суръатлар билан барқарор ўсиши учун замин бўлмоқда. Мазкур кўрсаткичлар халқаро рейтингларда ҳам эътироф этилиб, етакчи халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг суверен рейтингини “BB-” дан “BB” поғонасига кўтарди.

Бу, аввало, Ўзбекистон иқтисодиёти ва молиявий тизимига ишонч ортганининг инъикосидир. Ўз навбатида, давлатнинг қарз мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ бажариш имкониятлари яхшилانган, макро-иқтисодий барқарорлик таъминланётгани халқаро миқёсда тан олинганидан далolat беради. Шу жиҳатдан рейтингнинг ошиши мамлакатдаги бошқарув сифати ва иқтисодий сиёсат самарадорлигига берилган ижобий баҳодир.

Шунингдек, мазкур баҳо хорижий инвесторлар ишончини кучайтириши, инвестиция оқимининг кенгайиши, ташқи молия бозорларида қарз маблағларини арзонроқ шартларда жалб қилиш имкониятини яратиши ҳамда ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада фаоллаштиришга замин бўлиши билан аҳамиятли.

Мурожаатномада қайд этилган яна бир эътироф — Жаҳон банк эълон қилган борадиган давлатларнинг технологик етуқлик индексида Ўзбекистон 711 поғона юқори кўтарилиб, дунёнинг ТОП-10 та мамлакат қаторидан жой олгани бўлди. Мазкур индекс давлатларнинг технологияларни қабул қилиш ва улардан самарали фойдаланиш даражасини баҳоловчи интернет рейтинг ҳисобланиб, мамлакатларда ҳалқаро инфратузилмаси, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, жамият ҳамда иқтисодиётга жорий қилиш даражаси ва инновацияларга кириш имкониятлари каби кўрсаткичларни қамраб олади.

Бундай индексда юқори поғонага кўтарилиш мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга, чунки бу — халқаро миқёсда технологик ривожланиш, рақамли иқтисодиётни йўлга қўйиш ва инновацияларга интеграция даражаси ҳақида ижобий натижадан далolat беради.

Мурожаатноманинг лингвистик таҳлили-га кўра, унда энг кўп, яъни 49 марта маҳалла сўзи ишлатилиб, ислохотлар, янгиланган ва келгусидаги устувор вазифалар ҳам айнан маҳалла билан chambarchas боғлиқ бўлди.

Энг аҳамиятли жиҳати, 2026 йилнинг юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилиниши жамият тараққиётини энг қуйи бўгин — маҳалладан бошлаш ғоясининг амалий ифодасидир. Бу ташаббус орқали маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини ошириш, аҳолининг муаммоларини жойида ҳал этиш, фуқароларни фаол

Мирзаюсуф РУСТАМБОВЕВ,
Жамоат ҳавфсизлиги университети бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ “БИЗ — БУГУН 38 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД КАТТА ХАЛҚМИЗ. МАШАҚҚАТЛИ ВА ШАРАФЛИ МЕХНАТИМИЗ БИЛАН ДУНЁДА ҲУРМАТ ТОПАЁТГАН, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН ДАДИЛ БОРАЁТГАН, МАТОНАТЛИ ВА ҒУРУРИ БАЛАНД МИЛЛАТМИЗ” ДЕГАН СЎЗЛАРИ ҚАЛБЛАРИМИЗНИ ФАХР ВА ҒУРУРГА ТЎЛДИРДИ. БОИСИ, АҲОЛИ НУФУСИ НАФАҚАТ РАҚАМ, БАЛКИ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ, МАЪНАВИЙ БОЙЛИК ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚУДРАТ МАНБАИДИР.

ҳаётга жалб қилишга кенг йўл очилади. Зеро, маҳалла ривож — оилалар фаровонлиги, ёшлар тарбияси, қўшничилик муносабатлари ва жамиятда барқарорликни мустаҳкамлашининг асосий кафолати ҳисобланади. Шу боис, бу нафақат маҳалланинг, балки бутун жамиятнинг юксалишига хизмат қиладиган муҳим босқич сифатида долзарб аҳамиятга эга.

Шарқ алломалари жамият барқарорлигини, аввало, инсонлар ўртасидаги яқин ижтимоий муносабатлар билан боғлаган. Абу Наср Форобий жамиятнинг камолотини қўшничилик, ўзаро ёрдам ва маънавий бир-

мингта хонадонга томорқаларни сугориш учун илк бор сув етиб боргани юртдошларимиз кундалик турмуш тарзи яхшиланишининг далolatидир.

Шу билан бирга, аҳолининг Ватан ичра “ватанлик” бўлиши, яъни уй-жой билан таъминланиши бўйича ислохотлар сўнгги 9 йилдаги энг асосий, илгари кузатилмаган ҳодисадир. Арзон уй-жой дастурлари, ипотека тизимининг кенгайтирилиши, кўп қаватли замонавий турар жой массивларининг барпо этилиши минглаб оилалар, миллионлаб инсонларнинг ўз уйига эга бўлишига имкон яратди. Айниқса, ёш оилалар, ижтимоий

шароитини яхшилаш учун 19 миллион квадрат метр майдонда қурилиш қилди. Шунингдек, бизнес вакиллари томонидан 24 миллион квадрат метр нотурар жой объектлари барпо этилди. Умуман, сўнгги тўққиз йилда жами 210 миллион квадрат метрдан иборат турар ва нотурар жой объектлари фойдаланишга топширилди.

Шундай экан, уй-жойга эгалик нафақат моддий фаровонлик манбаи, балки инсоннинг ўз Ватанида муносиб ҳаёт кечиришга бўлган ҳақ-ҳуқуқнинг амалий ифодасига айланди.

Энг асосий натижалардан бири сифатида мамлакатимизда камбағалликни камайтириш ва яшаш сифатини ошириш бўйича олиб борилган амалий чора-тадбирларни қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Давлат томонидан ишсизлик ва камбағаллик билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун комплекс дастурлар жорий этилиб, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича амалий вазифалар бажарилди. Мурожаатномада айтиб ўтилганидек, 2025 йилда 5 миллион аҳолимиз даромадли бўлди, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Бу орқали қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айlandи. Аҳамиятли жиҳати, юртимизда камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушгани халқаро эътирофларга ҳам сазовор бўлмоқда.

Президентимиз ташаббуси асосида “маҳалла етилиги” тизимининг жорий этилиши мамлакат тармақларида ижтимоий барқарорлик, инсон манфатлари устуворлиги ва ислохотлар ижросини жойларда самарали таъминлайдиган ноёб бошқарув модели бўл-



балки мамлакатнинг глобал рақобатбардорлигини ошириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга замин яратади. Таҳлилларга кўра, жаҳон бозорига фақатгина юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарадиган давлатлар катта муваффақиятга эришади. Шу сабабли ҳам барча соҳаларда технологик ва инновацион ёндашувлар муҳим устуворликка айлانмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажминини 240 миллиард доллардан ошириш учун энг тўғри йўл — барча соҳаларни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш ҳисобланади. Бунда жорий йил иқтисодиётда 6,6 фоиз ўсишни таъминлаб, ялпи ички маҳсулотни 167 миллиард долларга етказиш прогноз қилинмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Агар меҳнат унумдорлиги, энергия самарадорлиги ва таннарх бўйича қаттиқ ишланса, бу кўрсаткични янада ошириш учун барча имкониятлар бор”.

Яна бир муҳим масала: меҳнат бозорига йилга 300 минг олий маълумотли кадрлар кириб келмоқда. Уларни даромадли иш билан таъминлаш устувор вазифа. Шунининобатта олган ҳолда эндиликда олийгоҳ битирувчилари ва иш берувчилар ўртасида кўприк бўладиган рақамли экотизим яратилади. Бу ёш мутахассисларнинг касбига мос иш топишини осонлаштириши, иш берувчиларга эса зарур малакали кадрларни тез ва шаффоф танлаш имконини беради ҳамда бандлик ва иқтисодий самарадорликни оширади.

Экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда йирик корхоналарга филтер, тозалаш иншооти ва ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни мониторинг қилиш станциялари ўрнатилди. Хар бир ҳудудда ботаника ва дендрология боғлари ҳамда 20 тадан соя-салқин сайр кўчалари барпо этилади.


Мухтасар айтганда, экология соҳасига 2026 йилда 1 триллион 900 миллиард сўм йўналтирилетгани аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳаво ва сув сифатини яхшилаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда экологик муаммоларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, аҳоли саломатлиги ва келажақ авлод учун барқарор яшаш шароитини таъминлашга хизмат қилади.

Мурожаатномада эътибор қаратилган устувор йўналишлардан бири замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларимизни давом эттиришдир. Бунда жорий йилдан бошлаб Электрон ҳукумат платформаси тубдан янгиланади, барча давлат идораларининг мингдан зиёд давлат хизматлари, 5 мингдан ортиқ функция ва вазифалар, 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими, 100 мингдан зиёд давлат хизматчисининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидаги вазокатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилинади. Ўз навбатида, ушбу ўзгаришлар очиклик ва шаффофлик сиёсатини янги босқичга олиб чиқади.

Шунингдек, шу йил 1 январдан давлат харидларида очик, шаффоф ва адолатли тизим яратилади. Бу орқали тадбиркорларга 300 триллион сўмлик кафолатли бозорда товар ва хизматлари билан фаол иштирок этиши учун катта имкониятлар эшиги очилади.

Умуман олганда, Мурожаатнома мамлакатимизнинг бугунги ҳолати ва яқин келажақдаги ривожланиш йўналишларини аниқ белгиловчи амалий аҳамиятга эга дастурий ҳужжатдир. Унда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши жамиятда очиклик ва масъулиятни кучайтириб, барча соҳаларда изчил тараққиётни таъминлашга замин яратади.

Келгуси тараққиётимиз учун ишончли йўл харитаси сифатида давлат идоралари, тадбиркорлар ва кенг жамоатчиликни ягона мақсад атрофида бириштиради. Янги Ўзбекистонни барқарор, адолатли ва рақобатбардор давлат сифатида ривожлантиришда дастуруламал бўлади.



Жади́длар ҳам маҳалланинг аҳолини тарбиялаш, билим бериш ва ахлоқий камолотини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб, замонавий билим ва маънавиятни кенг тарғиб қилиш, халқни ислохотларга тайёрлаш ва давлат барқарорлигига хизмат қилувчи жамият модели сифатида билишган.

лиққа таяниш орқали таъминлаш мумкинлигини таъкидлайди ва кичик жамоалар — инсон тарбияси ва ахлоқий камолотининг илк мактаби сифатида таърифлайди. Имом Ғазолий эса қўшни ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилишни жамият поклиги ва тинчлигининг асоси деб билади, зеро, бу маҳалла моҳияти билан уйғундир.

Жади́длар ҳам маҳалланинг аҳолини тарбиялаш, билим бериш ва ахлоқий камолотини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб, замонавий билим ва маънавиятни кенг тарғиб қилиш, халқни ислохотларга тайёрлаш ва давлат барқарорлигига хизмат қилувчи жамият модели сифатида билишган. Шу маънода, маҳалла Шарқ тафаккурида фақат ҳудудий тушунча эмас, балки инсонни жамиятга боғлайдиган, ахлоқ ва маънавиятни шакллантирадиган муҳим ижтимоий макон сифатида талқин қилинади.

Хорижий таҳлилларга кўра, ўзбек маҳалласи бу — одатий яшаш ҳудуди эмас, балки жамиятнинг маънавий ва ижтимоий таянч нуқтаси. Қўплаб тадқиқотчилар маҳаллани “тирик ижтимоий организм” сифатида таърифлайди. Бу жиҳатдан маҳалла институти миллий ўз-лигимиз ва қадриятлар туташган макон ва замонавий ижтимоийлашув маскани сифатида дунёда муқобили бўлмаган жамиятнинг ноёб модели саналади.

Қайд этилганидек, 2025 йилда 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза чиқимлик сув кириб боргани, яна 2 миллион 300 мингта яқин аҳолининг сув таъминоти яхшиланигани, 867 та “оғир” тоифали маҳалладаги 470

ҳимояга муҳтож қатлам ва қишлоқ аҳолиси одамларда шукроналик, келажаққа ишонч ва юртга дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлади, десак муболаға бўлмайди.

Маҳалла ва яхши қўшничилик ўзаро уй-ғун қадриятлар сифатида жамиятда инсоний ва ижтимоий капитални янада бойитишга бекёйс ҳисса қўшади. Мамлакатимизда ўтказилган ижтимоий сўровларда иштирок этганларнинг 90 фоиздан кўпроги ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳисоблаш ҳам шундан далolat беради.

Биргина ўтган йилда 8 миллион 100 минг квадрат метрли, 135 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди, одамларнинг ўзи ҳам яшаш

ди. Ушбу тизим давлат бошқарувини халққа яқинлаштирадиган, муаммоларини жойида ҳал этишга қаратилган самарали механизм сифатида етти таянч тузилма ўртасидаги узвий ҳамкорликка асосланади. Шу жиҳатдан кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилгани натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқарили, ишсизлик 2 карра қисқарди.

Президентимизнинг “Биз — бугун 38 миллиондан зиёд катта халқимиз. Машаққатли ва шарафли меҳнатимиз билан дунёда ҳурмат топаётган, эртанги кунга ишонч билан дадил бораётган, матонатли ва ғурури баланд миллатимиз” деган сўзлари қалбларимизни фахр ва ғурурга тўлдирди. Боиси, аҳоли нуфуси нафақат рақам, балки иқтисодий тараққиёт, маънавий бойлик ва интеллектуал қудрат манбаидир. Ғурури баланд халқнинг бирдамлиги эса мамлакат барқарорлиги, тараққиёти ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашининг мустаҳкам пойдеворидир.

Мурожаатноманинг яна бир аҳамиятли жиҳати, унда келгусида амалга ошириладиган стратегик ва устувор вазифалар, аниқ марра ва режалар белгилаб олинди. Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан олти муҳим йўналишда вазифалар белгиланиши нафақат жорий йил, балки яқин ва узоқ келажаққа мўлжалланган ва кечиктириб бўлмайдиган ислохотларнинг мантйқий давомидир бўлди.

Аввало, йил номидан келиб чиққан ҳолда маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш устувор йўналиш сифатида

белгиланди. Бунинг аҳамияти шундаки, маҳалла инфратузилмасини такомиллаштириш орқали янги Ўзбекистоннинг барқарор, замонавий ва инсонларвар юзи яратилмоқда, давлат ва фуқаро ўртасидаги алоқа янада яқинлаштирилади, жамиятда ишонч ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади.

2026 йилда танлаб олинган 33 та туман ва 330 та шароити оғир маҳалладаги барча муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қиладиган тизим яратилади. Уларда бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик инфратузилмаси ҳам яхшиланади. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 8,5 триллион сўм маблағ ажратилади.

Маҳаллани фаровон қилишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу туман бюджетларига ажратиладиган маблағларни кўпайтириш, одамларни даромадли қилиш боғлиқ. Бу борада шу йил 1 январдан бошлаб қўйилган қиймат солиғидан тушумнинг Тошкент шаҳрида 5 фоизи, қолган ҳудудларда 20 фоизи қолдирилиб, маблағнинг ярми туманлар бюджетига ўтказилади.

Бундан ташқари, даромадларнинг прогнoза нисбатан ошириб бажарилган қисмининг 50 фоизи, экин ерларини ижарага бериш ва бозорлардан тушумлар ҳам тўлиқ туман бюджетига берилади. Вилоят, туман ҳокимларига самарасиз ва бир-бирини такрорлайдиган штат бирликларни қисқартириб, тежалар маблағни аҳоли ўртага қўйган масалаларни ҳал қилиш учун ажратишга рухсат этилади. Бу орқали туманлар бюджетида йилга 5 триллион сўмлик қўшимча манба шаклланади ва у маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга сарфланади.


Булар Президентимизнинг “Асосий мақсадимиз — одамларимизни доимий даромадли қилишдан иборат. Пули бор одам яхши кийиниши ва овқатланиши, сифатли таълим ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, мазмунли дам олишга, бир сўз билан айтганда, фаровон яшашга интилади” деган ҳаётий сўзларининг амалда тасдиғини топишига замин яратади.

Энг муҳими, 2026 йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм вилоятларнинг ўзига берилмақда. Бундан ташқари, жорий йилда “маҳалла саноат ва хизмат” лойиҳаси орқали 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш учун 5 триллион сўм кредит берилади. Хар бир маҳаллада 40 тадан микролоиҳани амалга ошириб, 360 минг аҳолини ишли қилиш учун маҳалла банкирлари ва ҳоким ёрдамчиларига яна 7,5 триллион сўм ресурс ажратилади.

Бундай ёндашув маҳаллий ҳокимликларга кўпроқ молиявий мустақиллик бериш орқали йўл, сув таъминоти, соғлиқни сақлаш, таълим каби муҳим инфратузилма ва хизматларни ривожлантириш имконини беради. Бу эса маҳаллаларда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириб, аҳоли фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади, чунки даромадлар солиқларининг ўрнига маҳаллий бюджетларда қолдирилади ва фуқароларнинг ўз ташаббусларига йўналтирилади.

Яна бир устувор йўналиш иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказишдан иборат. Бу Ўзбекистон учун муҳим стратегик йўналиш, у нафақат иқтисодий ўсиш суръатини жадаллаштириш,

Янгича ёндашувлар



ТАБИАТ ВА ИНСОН:

биоҳилма-хилликни таъминловчи занжир

Юртимизнинг ўзига хос жонли организмлари, биологик бойликларини асраб-авайлаш, биоэкологик барқарорликни таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Бу жараёнда эса Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институтининг алоҳида ўрни бор. Институт директори, биология фанлари доктори, профессор Бахтиёр ХОЛМАТОВ билан суҳбатимиз мамлакат ва минтақа учун энг долзарб зоологик, биоэкологик муаммолар ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий ёндашувлар ҳақида бўлди.

— Ўзбекистон Фанлар академиясининг Зоология институти мамлакатимиз ҳайвонот олами бўйича асосий илмий марказдир, — дейди Бахтиёр Холматов. — Фақат ҳайвонлар рўйхатини тузиш эмас, балки фауна ҳолатини баҳолаш, хавф даражасини аниқлаш, мониторинг қилиш ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан саналади. Шундан келиб чиқиб, давлат фауна кадастрини тузиш, биотопларни қарғаштириш, фотокопчонлар орқали кузатувлар, йўлларда “хавфли нуқта”ларни аниқлаш ва экологик юмшатиш чоралари (экоуказ-гичлар, тезликни чеклаш) ҳамда индикатор турлар мониторинги олиб бориляпти.

Фаунаимизни комплекс ўрганиш, ҳайвонот дунёси объектларининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, ёввойи ҳайвонларнинг йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлари бўйича давлат кадастри ва Ўзбекистон Қизил китобини юритиш вазифаси ҳам бизнинг зиммамизда. Бу иш фақат “Қайси тур қаерда бор?” эмас, балки “Қайси ҳудудни сақлаб қолсак, бутун экотизимни сақлаймиз?” деган стратегик саволга жавоб беришга қўмаклашади. Биоҳилма-хиллик мамлакатнинг генетик захираси, экологик барқарорлиги ва озик-овқат хавфсизлигидир. Агар фауна йўқолса, ундан кейин ўсимликлар, tupрок, иқтисодиёт, маданият йўқолади. Шу боис, институтимиз мақсади табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаш ҳамдир. Бинобарин, келажақ экотизими ҳар бир қўшнинг сайраши, ҳар бир сутэмизувчининг қадам изидан, ҳар бир тирик организмнинг генидан бошланади.

— Биоҳилма-хилликни сақлашда институтнинг илмий тавсиялари ва лойиҳалари нимадан иборат?

— Институт мутахассислари биоҳилма-хилликни муҳофаза қилишга қаратилган миллий ҳужжатлар, жумладан, Биологик хилма-хилликни сақлаш миллий стратегияси (NBSAP), экологик дастурлар ва халқаро ҳисоботларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этади. Бу тавсиялар қайси турлар устувор муҳофазага муҳтожлиги, қайси ҳудудлар “экологик муҳим зона” деб тан олинishi ва ресурслар қай тарзда тақсимланиши кераклигини аниқлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Институтнинг асосий вазифаларидан яна бири камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар ҳолатини баҳолашдир. Турлар ареали, популяция трендлари, тахдид омиллари ва муҳофаза чоралари бўйича берилган илмий асосланган хулосалар уларни Қизил китобга киритиш, мақомини ўзгариштириш ёки ҳимоя механизмларини кучайтиришда давлат органлари учун меъёрий асос бўлади.

Сўнгги йилларда институтимизда индикатор турлар ва экотизим мезонлари асосида муҳим экологик ҳудудлар (Key Biodiversity Areas, KBA)ни белгилаш бўйича ишланмоқда. Бу ёндашув ресурсларни самарали йўналтириш, яъни бир ҳудудни муҳофаза қилиб, бутун экотизимни сақлаб қолтиш имконини беради.

Халқаро ҳамкорлар билан қор қоплони ва бошқа ҳайвон турлари бўйича амалий муҳофаза дастурлари ишлаб чиқилди. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси билан бирга камёб турлар ва муҳофаза ҳудудлари бўйича миллий геомасъулмолтаъба базаси яратилди. Бу тизим экологик экспертиза, ҳудудий рекалаштириш ва фауна мониторингинда қарор қабул қилишни соддалаштиради.

Амударё дельтаси, Судочье ва бошқа ботқоқ ҳудудларда ўтказилган экспедициялар орқали сув қўшлари, герпетофауна ва сутэмизувчилар популяцияларнинг ҳозирги ҳолати баҳоланди.

Амфибия ва рептилиялар учун биринчи миллий КНА (Key Neptetological Areas) харитаси ишлаб чиқилмоқда. Бу герпетофауна муҳофазасида Ўзбекистондаги дастлабки тизимлаштирилган ёндашувдир.

Биохилма-хилликни ҳимоя қилиш фақат қонун ва тадқиқот билан эмас, балки жамият онги билан



ҳам боғлиқ жараён. Шу мақсадда бу борадаги ишлар анча фаоллашди. Шунингдек, мутахассисларимиз томонидан Марказий Қизилқум миллий табиат боғи учун ҳудудий чегаралар, координатлар, табиий ресурслар тавсифи ва антропоген босимга учраётган ҳудудлар, миграция йўллари, эндемик турларнинг қўним ва кўпайиш жойлари кўрсатилган тўлиқ экологик асоснома ишлаб чиқилди.

Кўп босқичли кадастр ва GIS таҳлиллари амалга оширилиб, ҳимояга муҳтож минтақаларнинг аниқ картаси тузилди, уларнинг биологик аҳамияти, мавжуд таҳдидлар ва устувор муҳофаза чоралари белгилаб олинди. Бу жараёнда 18 та тематик геомасъулмолмолт қатлами, юзлаб майдон кузатувлари ҳамда тарихий манбалардан олинган ўнлаб маълумотлар бир тизимга солинди.

Тадқиқотлар, шунингдек, айрим ҳудудларда антропоген босим, хусусан, хўжалик фаолияти, йўл инфратузилмаси ва иқлим омиллари кучайиб



бораётганини кўрсатди. Шу туфайли янги ҳимоя ҳудудлари барпо этиш нафақат фауна, балки маҳаллий табиий ландшафтларни асраб қолишда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

— Институтда қилинаётган тадқиқотлар кўпроқ қайси йўналишларни қамраб олмақда ва амалиётда қай даражада қўлланиляпти?

— Барча фундаментал тадқиқот натижалари кишлоқ хўжалиги, ветеринария ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларига тўғридан тўғри жорий этилмоқда. Буларга мисол сифатида кишлоқ хўжалиги экинларига кучли зарар келтирадиган кўсак қуртига қарши биологик препарат яратилганини келтириш мумкин. Кўсак қурти гўза ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинлари зараркунадаси ҳисобланади. Уларга қарши яратилган “NAVIR” биологик препарати синови Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Фарғона водийси фермер хўжаликларида ўтказилди ҳамда самарадорлиги қайд этилди.

Мазкур биологик препаратнинг афзаллиги шундаки, кўсак қурти сонини иқтисодий зарар келтириш чегарасидан ортмайдиган даражада назорат қилади, яъни ҳаддан зиёд кўпайишига йўл қўймайди. Экологик жиҳатдан тоза. Фақат кўсак қуртига таъсир қилади. Фойдали ҳашаротлар ва иссиққонли ҳайвонлар учун зарарсиз.

— Бугун дунё бўйича ноёб генлар, турлар ва экотизимлар жиддий йўқолиш хавф остида. Уларни сақлаш борасида қандай чоралар кўриляпти?

— Айтиб ўтганимиздек, биологик хилма-хиллик экологик барқарорлик, иқтисодий хавфсизлик ва жамоат саломатлигининг асосий омилли ҳисобланади. Шу боис, Ўзбекистонда турларни асраш ва мониторинг қилишга қаратилган қатор муҳим ташаббуслар амалга оширилмоқда. Мутахассисларимиз томонидан бухоро кийиги, сайғоқ, тўқай қўшлари, сиртлон каби турлар ареали ва популяцияси мунтазам ўрганилиб, Қизил китоб учун эксперт хулосалари тайёрланмоқда. Мониторинг натижаларига кўра, айрим турларда барқарорлашиш тенденцияси кўзатишмоқда.

Тўқай ўрмонлари, Амударё дельтаси, Қизилқум чўли ва Нурота тоғ тизмалари каби экотизимлар мамлакат биоҳилма-хиллигининг асосий ҳаёт артерияларидир. Ушбу ҳудудлардаги камёб турлар биотоп ҳолати баҳолалиб, ҳимояланган табиат ҳудудлари чегараларини белгилаш ва муҳофаза режимини кучайтириш бўйича тақлифлар берилмоқда. Қор йўлбарси, бухоро кийиги, сув қўшлари ва герпетофауна турлари ҳолати ва миграция йўналишлари аниқланмоқда. Олинган маълумотлар асосида тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Институт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда ноёб турларга қарши жиноятлар бўйича эксперт хулосаларини тақдим этмоқда. Айнан шу йўналишдаги таҳлилий ва амалий ишлар самараси ўлароқ, институтимиз халқаро миқёсда эътироф этилиб, “Clark R. Bavin Wildlife Law Enforcement Award” мукофоти билан тақдирланди.

— Бу қандай мукофот?

— “Clark R. Bavin Wildlife Law Enforcement Award” жаҳон табиатини муҳофаза қилиш соҳасидаги энг нуфузли мукофотлардан бирдир. Мукофот АҚШнинг афсонавий эколог-ҳуқуқшуноси Кларк Р. Бавин номи билан боғлиқ. У ноқонуний ҳайвонлар савдоси билан кескин курашган, ўттиз йил давомида браконьерликка қарши илгор ҳуқуқий механизмлар яратган ва глобал мониторингни янги босқичга кўтарган шахс. Мукофот дунё бўйлаб энг самарали экологик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва олимларга берилди.

Мукофотнинг Зоология институтига етиб келиши мамлакатимизда атроф-муҳит, табиат муҳофазаси, илмий марказлар ва фаол экологлар иши халқаро майдонда тан олинаётганидан далолат.

— Иқлим ўзгариши ва зоологиянинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапирсангиз.

— Иқлим ўзгариши, ҳаво ифлосланиши ва қургўқчилик шароитида атроф-муҳит барқарорлигини таъминлашда ўсимлик қопламани тиклаш муҳим омиллардан бири. Бироқ зоология нуқтаи назаридан қараганда, ҳар қандай турдаги дарахтнинг экиш эмас, балки маҳаллий, табиий муҳитга мос турлар қўлланилиши юқори самара беради.

Маҳаллий дарахтлар минг йиллар мобайнида шу ҳудуддаги қўшлар, ҳашаротлар ва майда сутэмизувчилар билан бирга ривожланган. Шу боис, улар барги, шираси, чанги ва тана қисми орқали турли жонзотлар учун барқарор озуқа ва яшаш шароити яратлади. Масалан, маҳаллий дарахтларда ҳашаротлар тур жаҳатдан кўпроқ бўлади, бу эса қўшлар ва бошқа кичик ҳайвонлар популяцияси узлуксизлигига хизмат қилади. Шу йўл билан биологик занжир таъминланади. Бегона, интродуцент дарахтлар бундай табиий боғлашга эга эмас. Уларда ҳашаротлар кам бўлиши, tupрок хоссаларини ўзгариштириш ёки маҳаллий ўсимликларни сиқиб чиқариши мумкин. Бу ҳолат фауна камайишига, табиий муҳит бирхиллашишига ва экотизимнинг умумий занфиллашишига олиб келади. Шу маънода, иқлим ўзгаришига қарши курашда маҳаллий турларни экиш нафақат ҳаво сифатини яхшилашди, балки табиий биологик ҳаётни тиклайди, жонзотлар ўртасидаги озуқа занжирини мустаҳкамлайди ва экотизим барқарорлигини таъминлайди. Тўғри танланган бир tupр маҳаллий дарахт келгуси ўн йиллар давомида кўшлар қўшлар, ҳашаротлар ва кичик ҳайвонлар ҳаётига асос бўлади. Шунинг учун умумий ёндашув ўрнига табиат талаб қиладиган оқилона йўл маҳаллий, иқлимга чидамли ва жонзотлар билан боғланган турларни экишдир.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

Муносабат

ИЛМий САЛОҲИЯТ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ПОЙДЕВОРИ

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси мамлакат тараққиётининг янги босқичида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар ва стратегик йўналишларни белгилаб берган муҳим сиёсий ҳужжат сифатида аҳамият касб этади.

Мурожаатнома янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсад ҳамда вазифаларни ўз ичига олгани билан аҳамиятли. Жумладан, унда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бу борада тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, сугориш тизимларини тақомиллаштириш, шунингдек, мавжуд сув иншоотларини модернизация қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, ушбу йўналишда келгуси уч йилда қиймати 5,5 миллиард доллар бўлган йирик дастур амалга оширилади. Бу дастур кишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, иқлим ўзгаришлари таъсирини юмшатиш ҳамда экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мурожаатномада қайд этилганидек, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш 2,6 миллион гектар ер майдонини қамраб олади. Натижада йилга 2,5 миллиард куб метр сув тежалиши, атмосферага чиқариладиган 200 минг тонна буг газ камайиши кутилмоқда. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизда “яшил иқтисодиёт”-ни ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг амалий самарасини яққол намоян этади.

Белгиланган вазифалар эса жамоамиз томонидан катта масъулият ва фаол қўллаб-қувватлаш билан қабул қилинди. Зеро, ушбу стратегик йўналишлар университет олдида турган асосий вазифалар — муҳандислик ва агротехнология соҳаларида замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсадлари билан узвий боғлиқ.

Бугунги кунда университет таълим жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиб, талабаларга назарий билимлар билан бир қаторда сувни тежайдиган технологиялар, инновацион сугориш тизимлари, “яшил иқтисодиёт” ва экологик барқарорлик йўналишларида амалий кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу эса битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Мурожаатномада талабалар ва ёш олимларнинг инновацион лойиҳалари, стартаплар ҳамда илмий-тадқиқот ишларидаги иштирокни қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу эса университетда илмий салоҳиятини янада ошириш, талабаларнинг амалий лойиҳаларда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш учун мустаҳкам замин яратди. Айниқса, сув ресурсларини бошқариш, агротехнология ва экологик барқарорликка қаратилган лойиҳалар аҳамияти табора ортиб бормоқда.

Шаҳару кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, “яшил” ҳудудларни кенгайтириш, сугориш ва

Бирлашсак — катта кучмиз

ЮКСАК МАРРАЛАРГА ДАХЛДОРЛИК

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси — мамлакатимиз тараққиётининг бугунги ҳолати ва эртанги марраларини аниқ белгилаб берадиган ўта муҳим тарихий-сиёсий ҳужжат бўлди. У ҳаётий дастур сифатида халқимизга ҳар томонлама манфаатли ҳамда юртимиз келажакига бевосита дахлдор. Бундаги ғоя, ташаббус ва режалар ҳар биримизнинг фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари нутқида ноёб институт бўлган маҳалланинг ўрни янада теран ифодаб берилган ҳолда 2026 йил юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилинди. Яъни ислохотлар натижаси ҳар бир хонадонда сезиладиган тизим яратилди. Президентимизнинг мазкур ташаббуси барчамизнинг эътиборимизни янада кўпроқ маҳаллага қаратмоқдаки, бунинг моҳияти ислохотлар сизу биз яшаётган уйдан, кўчадан ва маҳалладан бошланаётганини акс эттиради. Бу — одамларнинг кундалик ташвишларини камайтириш, турмуш даражасини юксалтириш йўлидаги энг тўғри қадам.

Мурожаатномада белгиланганидек, аёлни ўз муаммоси билан ёлғиз қолдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу боис, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича Президентимиз томонидан республика мувофиқлаштирувчи кенгашга барча давлат идоралари, кенг жамоатчиликни сафарбар қилган ҳолда бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш бўйича амалари ишлайдиган тизим яратиш топирилгани, айниқса, парламент, фуқаролик жамияти институтлари ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этишга қақирилгани бучи ва масъулиятни янада оширди. Зеро, зўравонлик — миллият қиёфасига асло ярашмайди. Ушбу мурожаатнинг замирида қатъий бир ҳақиқат ётибди: аёл ва бола — давлат ҳамда жамият ҳимоясидандир.

Бугунги умумжаҳон глобаллашув шароитида давлатларнинг рақобатбардошлиги табиий ресурслар ёки саноат қудрати билангина эмас, балки, энг аввало, инсон капиталининг сифати билан белгиланмоқда. Шу маънода, сифатли таълим ва илм-фанга бўлган эътибор давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди.



Расул ТЎРАЕВ,
Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети ректори, профессор

дренаж тизимларини қайта тиклаш каби йўналишларда университетимизнинг амалий лойиҳаларини ҳаётга тағбиқ этиш имкониятлари мавжуд. Саноат, кишлоқ хўжалиги ва инфратузилма соҳаларига йўналтирилаётган инвестиция дастурлари замонавий лабораториялар, агротехнология парклари, тажриба майдонлари ҳамда самарали стажировка тизимини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Халқаро ҳамкорлик ва академик мобиллик эса илгор тажрибаларни таълим жараёнига жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янада мустаҳкамлайди. Шу маънода, Мурожаатномани янги Ўзбекистон тараққиётининг ишончли ва аниқ йўл харитасига қиёсасак айни мудиодир. Унда кўрсатилган устувор йўналишлар нафақат бугунги кун, балки мамлакатимиз келажаги учун ҳам ўта долзарб ва зарур. Мурожаатномада келтирилганидек, бугун саноатда автоматлашган линиялар, аграр соҳада ақлли технологиялар, транспортда интеллектуал бошқарув қунадлик ҳодисага айланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда янги технологиялар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида дунёда иш ўринларининг сони, шакли ва мазмун кескин ўзгармоқда. Яқин беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилади, 50 фоизи бўйича эса янги макалар талаб қилинади. Бу замонавий даврнинг табиий эҳтиёжи. Шундай экан, университетимиз жамоаси илмий ва амалий ишлари билан бу жараёнда фаол иштирок этади, албатта.



Моҳира БОЛТАЕВА,
Тошкент шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг кимё фани ўқитувчиси

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, истисеодли йигит-қизлар таълим, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришяётган ютуқлари билан Ватанимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу ютуқларнинг энг ёрқин ифодаси эса халқаро фан олимпиадаларида қўлга киритилган муваффақиятлардир.

Сўнгги йилларда мен каби ўзбекистонлик ўқувчи ва талабалар халқаро майдонда юксак натижаларга эришиб, мамлакатимиз таълим тизимининг салоҳиятини бутун дунёга намойиш этишга ҳаракат қилаётми. Биргина 2025 йилда халқаро фан олимпиадаларида қўлга киритилган 51 та олтин, 101 та қумуш ва 126 та бронза медали фикримизнинг яққол ифодаси.

Дунёда энг қимматбаҳо маҳсулот — билим. Шу боис, инсон капиталини ривожлантириш, юқори маалаки ва билимли кадрларни тайёрлаш ҳар қандай мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга. Билим ва салоҳиятли кадрлар миллий иқтисодиётнинг асоси, илмий-техник тараққиётнинг пойдевори ва давлатнинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамловчи энг муҳим омилдир.

Мамлакатимизда нуфузли халқаро олимпиадаларнинг ўтказилиши илму фанга қизиқиши бўлган барча ўзбекистонлик ёшларга ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказиш имкониятини яратди. Бунда ўқувчи ёшларимиз нафақат ўз қобилиятини намоян қиладди, шу билан бирга, мамлакатимизнинг кадр қуimmatини ва халқаро майдондаги обрў-эътиборини ҳимоя қилиш каби катта масъулиятни ҳам англайди.



TIRIK TARIX



Мулоҳаза

Инсон тафаккури, қалби ва дунёқараши шаклланишида санъатнинг турли кўринишлари ҳамиша муҳим ўрин тутиб келган. Булар орасида кино алоҳида аҳамиятга эга. У вақт ва макон билан чегараланмаган ўзига хос кўзгу бўлиб, инсон руҳиятига чуқур кириб боради, тафаккур ва ҳис-туйғуларни ҳаракатга келтиради. Кино орқали миллатнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақидаги тасаввур шаклланади, жамиятнинг ички ҳолати экранда акс этади.

Бугун кино ижтимоий онгни шакллантириш ва тарбиялашда ҳам салмоқли ўрин эгалламоқда. Ҳар бир фильм томошабин билан гўё сукут ичида мулоқотга киришади, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақида мушоҳада юритишга чорлайди, ахлоқий ва эстетик диднинг юксалишига таъсир кўрсатади. Шу боис, кино оддий томоша эмас, балки жамиятнинг маънавий ҳолатини белгилаб берувчи омилга айланиб бормоқда.

Бугунги глобаллашув шароитида “оммавий маданият”нинг тезкор ва юзаки қадриятлари жамият онига тобора чуқур сингиб бормоқда. Бу жараён инсонни тарихий илдизлиридан узоқлаштириб, фақат бугунги манфаат ва лаҳзалик завқ-шавққа мойил қилмоқда. Натижада миллий гурур, ор-номус, ватанпарварлик ва ўтмишга ҳурмат каби тушунчалар айрим ҳолларда иккинчи даражали қадриятларга айланиб қолиш хавфи юзага келмоқда.

Айнан шундай мураккаб маънавий муҳитда жамиятнинг тарихий хотирасини тиклаш, миллий ўзлигини англаш ва авлодлар ўртасидаги маънавий узвийлиқни сақлаб қолиш масаласи ўта муҳим. Бу вазифани самарали адо эта оладиган энг тасирчан воситалардан бири эса кино санъатидир. Президентимиз таъкидлаганидек, “Агар тарихимизни дунёга тарбиялунм этмоқчи бўлсак, халқимизнинг миллий гурурини кўтармоқчи бўлсак, буни биринчи навбатда кино ёрдамида амалга оширишимиз керак”. Шу нуктага назардан, кино нафақат ўтмиш ва ҳозирни бөлөвчи кўприк, балки келажақни шакллантирувчи ижтимоий ва маънавий майдон сифатида ҳам муҳим.

Сўнгги йилларда кино соҳасида қилинган ишлар, албатта, таҳсинга лойиқ. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган биргина “Тирик тарих” туркумидаги фильмлар ҳақидаги кўламли ва қамрови билан кино мутахассислари ва мухлислари пол қолдирмоқда. Мазкур лойиҳа 2024–2030 йилларга мўлжалланган стратегик дастур бўлиб, энг қадимий ўтмишдан ақин тарихгача бўлган дарғам қамраб олади. У нафақат шонли ўтмишимизни чуқур англаш, балки келажаққа ишонч билан дадил қадам қўйиш, ёшларни чинакам ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш ва Уччинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга катта туртки бўлади. Кино орқали тарихий хотира, маданий мерос ва миллий қадриятларни ўрганиш, томошабин билан ҳис-туйғу ва тафаккур орқали боғланиш имконини беради. Шу боис, санъатнинг бу йўналиши нафақат кўнгилочар восита, балки инсон руҳиятини тарбиялаш ва миллий онгни мустаҳкамлаш йўлидаги kuchli ечим сифатида қадрланиши лозим.

Бугун кино санъатимизда яхши лойиҳалар тобора кўпаймоқда. Улар билан нафақат тарихий фактлар экран орқали етказилади, балки томошабиннинг ҳиссиёти ва тафаккури билан уйғунлашади. Кино бу ерда шунчаки воқеани акс эттириш эмас, балки миллий руҳни уйғотиш, ёшларни ўз тарихий қадриятлар руҳида ватанпарварлик ва ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш воситасига айланади. Ҳар бир фильм, ҳар бир сахна асари миллат хотирасини мустаҳкамлаш ва келажақни шакллантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, замонавий технологиялар ва профессионал жамоаларнинг иштироки кино сифатини янги босқичга кўтариш имконини яратяди.

Айнан шу нуктада савол туғилади: бугун экранга чиқаётган кинолар томошабин тафаккури ва руҳий дунёсида қандай из қолдирмоқда? Жавоб шуки, кино бугун гоа ташувчи, ижтимоий онг ва маданий хабардорликни шакллантирувчи таъсирчан воситалардан бири сифатида намён бўлаётир. У инсонни ахлоқий

Санъат

масъулияти:

ТОМОША ВА ТАРБИЯ ЎРТАСИДАГИ МУВОЗАНАТ

танловлар, ҳаётий тажрибалар ва инсоний қадриятлар ҳақида ўйлашга ундайди. Демак, кино томошабин билан кўзга кўринмас, аммо жуда таъсирчан маънавий суҳбат олиб боради.

Томошабиннинг кўнглига йўл топган асарлар

Ўзбек кинокартинаси деганда кўз олдимизга, аввало, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Ёр-ёр”, “Ўткан кунлар”, “Темир хотин”, “Суюнчи”, “Отамдан қолган далалар” каби фильмлар келади. Бу асарлар инсонни ўйлантирар, тарбиялар, қалбни жунбушга келтирарди. Уларда ҳазил ҳам, дард ҳам бор. Энг муҳими, томошабин экранда ўзини кўради, атроф-муҳитни, ҳаётни, одамлар ўртасидаги муносабатларни англайди.

Орадан неча йиллар ўтмасин, бу фильмларни яна ва яна кўриш истаги йўқолмайдми. Гўё уларга вақт ҳукми ўтмаган, ёш-қарини бирдек ўзига тортади. Бунинг асосий сабаби шундаки, ушбу киноларда ўзбек характери, миллатга хос қаҳрамонлик, урф-одат ва ҳаё мезонлари яшаб келмоқда. Бугун ҳам бундай фильмлар кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол. Аммо гуруч курмасиз бўлмайди, деганларидек айрим хусусий телеканалларда эфирга узатилаётган фильмлар кишини мушоҳадага ундайди. Уларда қаҳрамонлар аксарият ҳолларда атайин ботир эмас — бой, қизлар ибодли эмас — “замонавий”, ота-оналар доно эмас — кулгили қилиб кўрсатилаётгандек. Натижада экран кўзгу бўлиш ўрнига никоьга айланиб қолмоқда.

Янада ташвишли жиҳати, бу турдаги фильм ва сериаллар глобал платформалар орқали кенг тарқалмоқда. Онлайн хизматлар томошабини лайк ва рейтинг ортидан қувушга одатлантиради. Бу каби маҳсулотларда маданий онг ва инсон тафаккурини юксалтиришдан кўра шахсий манфаат, тижорат ва фойда устувор бўлиб қолмоқда. Қанча кўп томоша қилинса, асарнинг “қадри” ҳам шунга қараб баҳолашни эса ачинарли ҳол.

Ана шу жараён орқали жамиятга ўзаро ишончсизлик, шубҳа ва лоқайдлик уруғи сочилмоқда. Шу ўринда таниқли адиб Назар Эшонқулнинг қуйидаги фикрларини эслаш ўринли: “Ахлоқ, одоб, зулм, адолатсизлик, хиёнат, сотқинлик, гўзаллик, ёвузлик, меҳру шафқат тўғрисидаги тушунчалар минг йиллар мобайнида синондан ўтиб, ҳулосаларга айланган. Ана шу ҳулосаларнинг мажмуи ичимиздаги илоҳий зарра билан қўшилиб, яхлитлашиб, инсонийлик деган катта устуни пайдо қилган. Инсонийлик баданини похол билан яширишдан галстук таққунгача бўлган масофани босиб ўтган башар тарихининг энг катта ютуғидир. Уни

менсимаслик, манфаат пардаси ортига суриш ёки бошқача талқин қилиш маданий онгни фожиага олиб боради”.

Савол туғилади: бугунги кинокартиналар ёш авлоднинг инсонийлик ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қай даражада хизмат қияпти? Аксарият ҳолларда сериаллар хусусий телеканал ва студиялар ҳамкорлиги маҳсули сифатида намён бўлади. Бироқ бир неча ўн кишининг манфаати учун бутун миллат онгига зарар етказиш нечоғлиқ оқланади? “Фикри йўқ одамнинг қиёфаси ҳам бўлмайди”, дейишади. Фикр — инсоннинг кимлигини белгилаб берувчи машъал. У ўчган жойда оломончилик ва жоҳиллик қайфияти илдиз отади.



Бугун кино соҳасидаги юзаки мавзулар жамиятини шу хавф томон етакламоқда.

Шу боис, кино санъати фақат томоша учун эмас, балки тарбия ва маърифат учун ҳам хизмат қилиши шарт. У инсонни ўйлантириши, ижтимоий онгни юксалтириши ва миллий қадриятлар билан боғлаши лозим. Санъатнинг бу муҳим вазифаси томоша ва тарбия ўртасидаги мувозанатда намён бўлади. Ана шу мувозанатни сақлаш эса ҳар бир режиссёр, сценарист ва продюсернинг энг катта масъулиятидир.

Биз ҳали-ҳануз “Шум бола”даги шўхлик ва меҳрини, “Абдуллажон”даги фантастикани соғинамиз. Бу фильмлар бизни ўзлгимизга қайтариб, қалбимиздаги ҳақиқат билан юзлаштирган эди. Афсуски, бугунги аксарият фильмларда “машҳур бўл, бой бўл, истаганча яшагин” деган ёлгон қадриятлар устувор. Натижада оила, ватан, меҳр, орият, ҳаё, меҳнат каби тушунчалар секин-аста сикйиб чиқарилмоқда. Уларнинг ўрнини шов-шув, ўзини

кўз-кўз қилиш ва маъносиз муносабатлар эгалламоқда. Шунинг учун кино санъатига фақат кўнгли очиш воситаси эмас, балки масъулият сифатида қараш зарур.

Кинода олтин ўрталиқ нақадар муҳим?

Бугун жамиятда кузатилаётган энг хавфли ҳолатлардан бири ҳаёсизликнинг оммавий ёйилиб бораётганидир. Бу жараён санъат, хусусан, кино орқали янада тезлашмоқда. Аксар режиссёрлар маънавийти эмас, рейтингни мезон қилиб олган. Натижада бачкана, енгил-елли, уятли ҳазил-мutoйибаларга тўла фильм ва сериаллар томошабин эътиборини тортиб, чуқур мазмун ва маънавий қийматга эга асарлар сояда қолиб кетмоқда.

Зигмунд Фрейднинг “Онгсиз одамда уят бўлмайди” деган гапи бу ҳолатга айнан мос келади. Онг ва масъулиятнинг узоқ ижод натижасида ахлоқий меъёрлар бузилган фильмлар экан юзини кўрмоқда. Энг хавфли жиҳати аксарият-тимиз буни оддий ҳолдек қабул қила бошладик. Бу ўз-ўзидан фожиали манзарани юзага келтирмоқда.

Кино — санъат. Санъат эса ҳар бир миллатнинг руҳияти, ҳаёси ва андишаси ифодасидир. Ўзбек халқи асрлар давомида ҳаё, орият, шаън, оила номуслини юрагидга сақлаб келган. Айрим замонавий фильмларда эса бу қадриятлар йўққа чиқарилимоқда, ҳатто масхараомуз тасвирланмоқда. Гўё кино муҳитида “қанча очик бўлса, шунча замонавий”, “қанча шов-шувли бўлса, шунча оммабон” деган хато қараш устувор бўлиб қолгандек.

Аслида, энг кулгили фильмлар ҳам андишани бузмаган, энг романтик саҳналар ҳам ҳаё чегарасидан чиқмай, руҳий таъсир орқали беришган. Олтин ўрталиқ дегани ҳам айнан шу — санъатда эркинлик ва масъулият ўртасидаги мувозанат.

Бугун ҳатто болалар томоша қиладиган аксарият фильмларда ҳам ножоиз ишоралар, шубҳали диалоглар кўпайиб бормоқда. Бу — жиддий муаммо. Чунки бугунги томошабин — жамиятнинг эртанги маънавий қиёфасини белгилайдиган авлод. Тарих иллатлар ҳам аста-секин кўникиш орқали ҳаёт тарзига айланишидан далолат беради.

Ғарб файласуфларидан бири “Кино бизни кўришга ўргатди, аммо қарашдан жудо қилди”, деб бежиз айтмаган. Бугун яхши кинолар бармоқ билан санарли, маънавиятдан узоқ асарлар эса бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетган. Бир вақтлар бундай маҳсулотларга бефарқ қараш натижасида бугун улар очик-ойдин меъёрга айланиб бормоқда.

Албатта, ўзбек киноси фақат маиший жанжаллар билан чекланиб қолган деб айтиб

бўлмайди. “Чантриморе”, “Сув ёқалаб”, “Чегарадаги қишлоқ”, “Нариги соҳилда қолган болалик”, “Осмондаги болалар” каби мазмунли фильмлар ҳам бор. Аммо айни пайтда экранларда айнан маънавий бўшлиқни чуқурлаштирадиган асарлар устуворлик қилаётгани жиддий ўйлашга мажбур қилади.

Агар кино санъатида олтин ўрталиқ сақланмаса, у ё маънавиятни емирувчи қуролга, ё мазмунсиз кўнгилочар маҳсулотга айланиб қолади. Олтин ўрталиқ эса миллат руҳияти, ҳаёси ва қадриятлари билан замонавий ифода ўртасидаги мувозанатдир. Ана шу мувозанат сақланган жойдагина кино ҳақиқий санъатга айланади.

Талабга яраша таклифми?

Ижтимоий тармоқларда бундай фикрлар тез учрамоқда: айрим актёрлар ва ижодкорлар бугунги енгил-елли, маънавий юки кам фильмларни “талабга яраша таклиф” деб изоҳлаб, халқ орасида шундай сериалларга эҳтиёж катта эканини даъво қилмоқда. Улар бу ҳолатда айбни кино ишлаётганларда эмас балки томошабин талабида деб кўрсатишга уринапти.

Аммо шу ўринда савол туғилади: талабни ким шакллантиряпти? Агар йиллар давомида томошабинга фақат бачкана, юзаки, ахлоқий меъёрларни четга сурган маҳсулотлар тақдим этилса, табиийки, дид ҳам шу йўсинда шаклланади.

Шу маънода, ўзбек кино ва театр санъатига катта ҳисса қўшган Баҳодир Йўлдошевнинг қуйидаги фикрлари айни ҳақиқатни очиб беради: “Хиёнатлар ичида энг огирни касбга қилинган хиёнатдир деб биламан. Белгиланган муддатда ҳар қандай ишни битириш мумкин, лекин сифати-чи? Иш буюрувиغا барибир, у нима бўлса-бўлсин, тезроқ “материал”ни қўлга олгини келди. Унга сизнинг шаънингиз, номингиз ҳеч нарсани англамайди. “Материал” қай кўринишда бўлмасин — хоҳ сахна, хоҳ экран ёки мақола шаклида — фикрга ҳоким, сўз эгаси — сиз! Ўзингизни қай даражада ҳурмат қила олиасиз, ички маданиятингиз ишига бўлган муносабатда кўринади. Табиат барибир ўз айтганини қилади: у хўжақўрсинчи, шошма-шошарлардан бошлаб ўчини олади. Оддий мисол, теракнинг тез ўсидиган навидан уй қуриб бўлмайди”.

Ушбу сўзлар ҳар бир ижодкорни фаолиятига виждон кўзи билан қарашга ундайди. Албатта, ижод аҳли эркин. Аммо бу эркинликнинг аниқ чегараси бор ва бу халқнинг маънавиятидир. Агар санъат фақат кўнгли очиш учун хизмат қилса, у санъат эмас, оддий бизнес маҳсулотига айланиб қолади.

Кинонинг энг асосий вазифаси — инсон руҳиятини тарбиялаш. У одамни ўйлантириши, ҳаётга бошқача назар билан қарашга ундаши, ҳеч бўлмаса, “Мен кимман? Қандай яшайман?” деган саволларга жавоб излашга мажбур қилиши керак. Ана шундагина кино ҳақиқий санъат даражасига кўтарилади.

Бугун эса кўплаб фильм ва сериалларда томошабини чуқур фикрлашга чорлайдиган

ғоялар ўрнига енгил сенсация, маиший жанжаллар, ахлоқий меъёрларни бузувчи сахна асарлари устуворлик қилмоқда. Бу ҳолат, айниқса, ёшлар онига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Агар кино ҳаётни барча мураккаблиги, яхшилиги камчиликлари билан холис акс эттирса — у ростўй. Башарти фақат сунъий идеал ҳаёт, бойлик, бузилган муносабатлар, беҳаё образлар орқали яшашни тарғиб қилса, никоьга айланади.

Миллат маънавияти фақат сўз билан эмас, аввало, санъат орқали шаклланади. Айниқса, кинойнинг кучи инсон қалбига бевосита таъсир қилишдадир. Шу сабабли ундай фойдаланиш ҳам улкан масъулият талаб қилади.

Дидни ким тарбиялайди?

Бололигимизда биз севиб томоша қилган “Чархпалак”, “Дев билан пакана” каби фильмлар рейтинг учун олинмаган, назаримда. Улар инсонийликка чорлагани, халқона руҳга эга бўлгани учун қалбларда қолган.

Ҳақиқий ижодкор ҳеч қачон томошабин ортидан қувмайди. Халқимизда бадий эстетик дид азалдан мавжуд. Аммо доимий равишда дидсиз маҳсулотлар берилверса, дид ҳам шу даражага тушиб қолади. Кейин эса савияли асарлар қабул қилинмайди. Бугунги замонавий медиа муҳитида кино нафақат эстетик, балки ижтимоий ва ахлоқий кучга эга феноменга айланган. Қандай ғоялар, қандай қаҳрамонлар экранда устувор бўлса, жамият ҳам шу томон қараб шаклланади.

Шу сабабли кинойни фақат кўнгилочар восита сифатида эмас, балки миллат тақдирига дахлдор, масъулиятли ижтимоий ҳодиса сифатида баҳолаш вақти келди. У кўзгу бўладими ёки никоь, аввало, ижодкорнинг виждони, жамиятнинг онги ва томошабиннинг дидига боғлиқ.

Сардор ШУҲРАТ ўғли,
журналист



ГАЗЕТАДАГИ
МАТЕРИАЛЛАРНИ
ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК
АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР
QR-КОДИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2026 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.

32015 нусхада босилган.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.

Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусахҳх: Маллоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:

100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрхисраб кўчаси, 85-уй